

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГРУЗИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Грузия Бош вазири Ираклий Гарибашвилини қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликка доир, энг аввало, транспорт ва логистика, савдо, sanoat кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш истиқболлари кўриб чиқилди.

Транзит салоҳиятини, шу жумладан, мамлакатимиз юкларини ташишда Поти ва Батуми портлари инфратузилмасини самарали ишга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Грузия ҳудудидаги эркин sanoat зоналарида яратилган қулай шароитларни ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш ва сайёҳлар оқимини оширишдан иккала томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЭРОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ҚЎШМА ИННОВАЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Сорена Сатторийни қабул қилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Фан, инновация ва технологиялар соҳасида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида Сорена Сатторий давлатимиз раҳбарига Эрон Президенти

Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда икки томонлама мулоқотлар ва ўзаро алмашинувларнинг фаоллашуви кузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо кўрсаткичлари ва кооперация лойиҳалари сони ҳам ортиб бормоқда. Ўтган

йили товар айирбошлаш 73 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 22 фоизга ошди.

Қўшма илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш борасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, изланиш ишлари ва венчур ташаббусларини молиялаштиришга хусусий секторни жалб

қилиш, олий таълим муассасалари ўртасидаги дастурларни қўллаб-қувватлаш, био- ва нанотехнологиялар, IT соҳаларида, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Келажақда, шу жумладан, бўлажак Ўзбе-

кистон — Эрон инновация форуми ва ишбилармонлик тадбирлари доирасида қабул қилинадиган қўшма қарорлар ва имзоладиган битимларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 21 июль куни

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига ташриф буюради.

Қирғизистон раислигида ўтадиган саммит ишида Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон президентлари ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Минтақа мамлакатлари етакчиларининг учрашуви кун тартибидан турли йўналишларда, шу жумладан, савдо, транспорт ва логистика, sanoat кооперацияси, инновациялар,

озиқ-овқат хавфсизлиги, туризм, маданий-гуманитар алмашинуви соҳаларида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Алоҳида эътибор Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва изчил тараққиётига замонавий таҳдид ва хатарларга биргаликда қарши туриш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилади.

Саммит якунида бир қатор муҳим кўп томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош

Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Минтақа етакчиларининг биринчи саммити 2018 йил март ойида Нур-Султон шаҳрида, иккинчиси 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида, учинчиси Ўтган йилнинг август ойида Туркменистондаги “Аваз” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган.

Ў.А.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖ ТОПАЁТГАН МИНТАҚА

2022 йил 21 июль куни Чўлпонота (Қирғизистон) шаҳрида

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 4-саммити бўлиб ўтади.

Олий даражадаги анжуманда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов иштирок этади.

Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил БМТ Бош

Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Давлат раҳбарларининг биринчи саммити 2018 йил март ойида Қозоғистон пойтахтида, иккинчиси 2019 йилнинг ноябрида Ўзбекистонда, учинчиси 2021 йил август ойида Туркменистонда ўтказилди.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизми Марказий Осиё давлатларининг умумий долзарб ма-

салаларини ишонч асосида ва конструктив муҳокама қилиш, уларни ўзаро келишилган ҳолда ҳал этиш учун самарали платформа сифатида намоён бўлмоқда.

Тарихан қисқа вақт ичида Марказий Осиё жадал ривожланаётган савдо-сармоявий ва транспорт-коммуникация салоҳиятига эга ўзаро манфаатли ҳамкорлик майдониغا айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Сенат қўмитасида ИККАЛА ҚОНУНГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР АЙТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.



Шунингдек, энгил са-

ноат ва чарм sanoati корхоналарида хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳолати бўйича Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама этилди.

Тадбирда сенаторлар, қўмита экспертлари, маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик муддатлари ҳамда уни қисқартириш учун асос бўладиган ҳолатлар бе-

кор қилинмоқда.

Шу билан бирга, ниҳолидаги шахслар мажбурий тиббий кўрикдан ўтганларидан сўнг ниҳолини расмийлаштириш тартибини белги-

лаш ҳам кўзда тутилаётди.

Ўз навбатида, қўмита мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун батафсил муҳокама қилинди.

Ҳар иккала қонунга киритилаётган ўзгартишлар бўйича иштирокчилар ўзларининг қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Бундан ташқари, тадбирда энгил sanoat ва чарм sanoati корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳолати юзасидан Ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари соҳа мутахассислари иштирокида таҳлилдан ўтказилди.

Қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖ ТОПАЁТГАН МИНТАҚА

Марказий Осиё мамлакатларида саноат кооперацияси лойиҳалари амалга оширилмоқда, қўшма сармоявий компаниялар ва жамғармалар ташкил этилмоқда, транспорт ҳамда транзит соҳасидаги шериклиги кенгаймоқда, транснационал савдо ва худудлараро алоқалар ривожланмоқда. Маданий-гуманитар ҳамкорлик, халқ дипломатияси ва парламентлараро ришталар сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, юқори даражадаги консолидацияга эришилди. Бу Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва фаровон минтақага айлантириш жараёнини шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратмоқда.

Айни пайтда давлат раҳбарларининг тизимли мулоқоти ва биргаликдаги

Марказий Осиё давлатларининг халқаро майдондаги мувофиқлаштирилган саноат-ҳаракатлари нафақат минтақанинг халқаро мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамламоқда, балки унинг манфаатларини самарали илгари суриш ва ҳимоя этишга хизмат қилмоқда.

Маслаҳат учрашувларида давлат раҳбарлари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўзаро қўллаб-қувватланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Улар Марказий Осиёда тўлақонли эркин савдо режимига ўтиш, саноат кооперацияси, инновациялар ва рақамли технологияларни ривожлантириш орқали узун қиймат занжирларини яратиш, минтақа мамлакатларининг транспорт-коммуникация соҳасидаги алоқаларини мустаҳкамлаш, мавжуд транспорт йўлакларининг самарали фаолиятини

таъминлаш ва янги транспорт йўлакларини шакллантириш, умумий энергетика маконига асос солиш, иқтисодиётнинг деярли барча тармоғини экология талабларига жавоб беришини жадаллаштириш асосида иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини амалиётга татбиқ этишга қаратилган.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро ишонч муносабатларини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади, кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади, минтақавий муносабатларини чуқурлаштириш ва янада кенгайтиришга ҳаракатлантирувчи куч бағишлайди.

«Дунё» АА.

Нуқтаи назар

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ



Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган очиклик сийсати ўз самарасини бераётир. Натижада эса дунёнинг турли минтақаларидаги, жумладан, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз мутлақо янги босқичга кўтарилди. Буни парламентлараро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Яқинда юртимизга давлат ташир-фи билан келган Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов бошчилигидаги делегация аъзолари билан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг учрашуви ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан катта аҳамиятга эга бўлди.

Мулоқот давомида сўнги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган изчил иш-хотлар натижадада Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлиги янги сифат босқичга кўтарилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркменистон Миллий Кенгаши ҳузуридаги парламентлараро дўстлик гуруҳларининг самарали фаолияти алоҳида қайд этиб ўтилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Туркменистон парламенти билан сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар, гендер тенглик, таълим ва ижтимоий ҳимоя йўналишларида кўп томонлама алоқалар кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Томонлар глобал ва минтақавий кун тартибидagi муҳим масалаларни ҳал этишда парламент дипломатияси механизмидаги унумли фойдаланиш, тегишли қўмиталар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва келгусида маҳаллий Кенгаш вакиллари доира-сидаги ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича ҳам фикр алмашдилар.

Ўз навбатида, мулоқотда Туркменистон Президенти томонидан Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқот платформасига 2021 йилда Ўзбекистон раислик қилгани, бу йил раислигини Туркменистон давом этти-раётгани, унинг доирасида шу йил апрель ойида ўтказилган халқаро форумда Олий Мажлис Сенати Раиси бош-чилигидаги делегациянинг фаол ишти-



Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг мамлакатимизга ташрифи дўст ва биродар ўзбек ҳамда туркман халқларининг самимий истақ ва интилишларини, ўзаро манфаатли кўп томонлама ҳамкорлик йўлидан бориш ниятини ифодалайди.

Музокаралар давомида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркменистон кўп қиррали ҳамкорлигида мавжуд масалаларнинг бутун доирасини му-ҳокама қилиб, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклиқни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Давлат раҳбарлари ҳузу-рида икки мамлакат вазирилк ва идо-ралари раҳбарлари томонидан йиғир-мага яқин ҳужжатлар имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йиллар-да икки томонлама ва кўп томонлама доирада бир қатор олий даражадаги учрашувлар ўтказилди. Мамлакатлари-ми ўртасида ўзаро муносабатлар янги сифат босқичга кўтарилди. Бунинг ёрқин мисолини 1992 йилдан бунён икки мамлакат ўртасида давлатлараро, ҳуку-матлараро ва идоралараро даражада имзоланган 250 га яқин шартнома ва келишувларнинг 25 фойздан ортиғи сўнги 5 йил давомида имзолангани-да қўришимиз мумкин. Бу ҳужжатлар ҳамкорлиқнинг барча муҳим йўналиш-ларини қамраб олди ҳамда сиёсий, сав-до-иқтисодий ва бошқа соҳаларда бир-галикдаги ҳаракатларни мустаҳкамлаш учун асосга айланган.

Хусусан, икки давлат чегара худуд-лари ўртасида кучли ўзаро муносабат-лар ўрнатилди. Бухоро ва Хоразм ви-лоятлари билан Туркменистоннинг Ле-бап ҳамда Дашоғуз вилоятлари ўрта-сида транснационал ҳамкорлиқни ри-вожлантириш чоралари қўрилди.

Транспорт соҳасида мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки мамлакатнинг интеграциялашган транспорт ва темир йўллари учинчи мамлакатлар учун транзит вазифаси-ни бажаради. Транспорт-транзит ко-ридорининг муваффақиятли амалга оширилиши транзит юк оқимларини кўпайтириш ҳамда лойиҳа иштирокчи-

ларини ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали равишда кириш имкони-ни беради.

Нефть-газ соҳасида кенг қўламли лойиҳалар ижросида ўзаро ҳамкорлик кенгайилмоқда. Бунни қуввати йилига 25 млрд. кубометр бўлган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури мисолида қўриш мумкин.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгай-ди, хусусан, товар айланмаси ҳажми шид-дат билан ўсмокда. 2017 — 2020 йил-ларда ўзаро савдо кўрсаткичлари уч баробар кўпайган бўлса, пандемия бўлишига қарамайдан 2021 йилда ҳам ўсиш кузатилган. Бунда, албатта, кўргазмаларда, ярмаркаларда ва биз-нес форумларида иштирок этиш учун ўзбек ва туркман ишбилармон доира-лари делегацияларининг ташир-флар алмашинувлари муҳим ўрин тутмокда. Саноат кооперациясини ривожланти-риш борасида сўнги йилларда қўшма корхоналар сони 9 тадан 160 гага етди.

Ушбу ташир-ф давомида икки дав-лат иқтисодий ва савдо алоқаларини яхшилаш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатларимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳо-латини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, ялпи ички маҳсулот таркиби-да савдо ҳамда саноатнинг улушини ошириш, экспорт бозорларига чиқиш ва аҳолини сифатли саноат маҳсуло-тлари билан таъминлаш, миллий иқти-содиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташир-фи мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамко-рлиқни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАШНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ ОШИРИЛМОҚДА

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 54-мақсадида ижтимоий соҳанинг муҳим таркибий қисми — пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб бориши ҳамда фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилмасдан идоралараро электрон маълумот алмашинуви асосида пенсия тайинлаш тизимига ўтиш белгиланган.

Ижтимоий ҳимоя

Аҳамиятли томони шунда-ки, ушбу вазифалар изчиллик билан амалга оширилиб, реал ҳаётда ўз аксини топ-моқда. Жорий йилнинг ўзида Олий Мажлис Қонунчилик па-латаси томонидан “Фуқаро-ларнинг давлат пенсия таъ-миноти тўғрисида”ги Ўзбе-кистон Республикаси Қону-нини 10 дан ортиқ моддала-рига пенсионерлар манфаа-тини кўзлайдиган, уларга қўшимча қулайликлар яратиш-га қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, фуқароларни ор-тиқча овозгарчиликдан қорғи-етиш мақсадида 2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажы шахсининг меҳ-нат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида қўшимча тас-диқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланиши, пенсия ва нафақалар фуқ-аронинг хоҳишига кўра рўйхат-га олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ва тўланиши, ишловчи фуқаролар ишламай-диган турмуш ўртолқарига келгусида пенсияга чиқишлар-и учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкинлиги каби прогрессив нормалар қонунда ўз аксини топди.

Шунингдек, уч йил ва ун-дан аввал тайинланган пен-сияларнинг текширилишига йўл қўйилмаслиги ва аёллар-га пенсия ҳисоблашда улар-нинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтидаги қўшиб ҳисобланадиган иш-стажини уч йилдан олти йил-

га ўзгартириш каби пенсия тизими ислоҳотида муҳим қадамлар қўйилди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг маж-лисида “Фуқароларнинг дав-лат пенсия таъминоти тўғри-сида”ги Қонунга ушбу соҳада амалга оширилаётган исло-ҳотларнинг мантиқий давоми сифатида навбатдаги ўзгаришлар киритилди.

Қонун лойиҳаси билан 2023 йилнинг 1 январидан ёшга доир, ногиронлик пенсияси ҳамда чин етим бораларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробарига ча-ширилмоқда.

Содда айтганда, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инобат-га олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 3 миллион 240 минг сўмдан 3 миллион 888 минг сўмга оширилмоқда.

Хўш, бу қонуннинг қабул қилиниши пенсионерларга қан-дай манфаат келтиради?

Биринчидан, 352 минг на-фар фуқаронинг (304 минг на-фар ёшга доир, 25,2 минг но-гиронлик, 23 минг боқувчиси-ни йўқотганлик) пенсия миқ-дори қайта ҳисоб-китоб қили-нади. Демак, ушбу ўзгариш умумий пенсия олувчиларнинг 9,5 фойиз қисмига, яъни ўрта-ча ойлик иш ҳақи 3 миллион 240 минг сўмдан юқори бўлган фуқароларга тааллуқли бўла-ди. Натижада ёшга доир пен-



сиялар 399 минг 20 сўм, но-гиронлик пенсияси 356 минг 600 сўм, боқувчисини йўқот-ганлик пенсияси 289 минг 241 сўмга чаширилди.

Шуниси аҳамиятлики, пенсия ҳисоблашнинг янги тартиби нафақат 2023 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқувчилар, балки ундан ол-дин тайинланган пенсиялар учун ҳам тааллуқли бўлади.

Иккинчидан, қонун лойиҳа-си иш ҳақи миқдори, иш ста-жи ва пенсия миқдори ўрта-сидаги узвий боғлиқлиқни ку-चाйтиради, ижтимоий адолат принципларини мустаҳкам-лашга хизмат қилади. Яъни юқори иш ҳақи олган, кўпроқ ижтимоий солиқ тўлаган фуқароларнинг каттароқ пенсия олиш имкониятлари ошади. Бу билан иш ҳақи ва пенсия ўрта-сидаги тафовут камаяди ва пенсия олувчи фуқароларнинг моддий фаровонлиги ошади.

Мухтасар айтганда, қонун-ларимизда бу каби халқчил нормаларнинг акс этиши аҳоли манфаатларига хизмат қилади. Ва пировардида фуқароларнинг турмуш шароити янада яхшиланади.

Нодир ТИЛАОВДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида экин ерлари ва томорқадан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат етиштиришни ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Акс садо

Унда давлатимиз раҳбари ҳозирда дунёда озиқ-овқат танқислиги муаммоси кучайиб бораётгани, тахлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фойизга ўсиши прогноз қилинаётганини таъкидлаб, юқоридаги хавф-хатарларнинг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш бўйича ҳар бир маҳалла, туман, вилоят даражасида аниқ ҳисоб-китоб ва чора-тадбирлар амалга оширилиши зарурлигига ургу берди.

Эътибор берилса, биргина шу фактлар-нинг ўзи ушбу соҳада ҳали қилиниши ло-зини бўлган ишлар кўп эканини кўрсатади.

Йиғилишда муҳокама этилган масала-лар юзасидан мутасаддилар ахборот бе-раркан, жумладан, мен ҳам аҳолига экин ерларини ажратиш тизими қандай имко-ниятлар яратяётганини маҳалламиз мисо-лида баён қилдим.

Дарҳақиқат, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини оширишда томорқа деҳқончи-лигининг ўрни муҳим. Бугун деҳқон бозор-ларига чиқарилаётган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми аҳоли шахсий ҳўжаликлариде етиштири-лаётгани ҳам сир эмас.

Маҳалламизда аҳоли ихтиёрида 80 гек-тар томорқа ерлари мавжуд бўлиб, бу йил яна 11 гектар ер майдони “Е-аuktion” тизими орқали 72 та оилага 10 йил муд-датга ижарага берилди. Бундан ташқари, ғалладан бўшаган майдонлардан 9 гектар ер “темир дафтар” рўйхатига киритилган оилаларга тақрорий экинлар экиш учун аж-ратилди.

Қувонарлики, ҳар бир оила томорқаси-га экилган картошканиннг ўзидан 6-6,5 мил-лион сўм соф фойда олди. Айни чоғда

ҳосилдан бўшаган майдонларга шולי қўч-талари ўтказилиб, ундан 80 — 100 центнер-дан ҳосил олиниши кутилмоқда. Бундан ҳам ўртача 6-7 миллион сўм соф фойда келишини эътиборга олсак, битта то-морқа оила бюджетига 12 — 14 миллион сўм даромад келтираётгани эътиборга молик.

Маҳалламизда томорқадан фойдала-нишда “Бир кишлоқ — битта маҳсулот” тамойилини жорий қилдик. Мевали да-рахтлар экишда ҳам бир кўчага олча, яна бирига узум, бошқа бирига ўрик ниҳолла-рини экиб, парваришлашни йўлга қўйдик. Бу эса маҳсулотларни тизимли харид қилиш, сақлаш, саралаш, қадоклаш, кури-тиш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозор-ларга сотишни ташкил этишда жуда кўп келмокда. Айни пайтда маҳалламизда 4 та жойда ҳар бири 10 тонналик ичхам советикчином обморхоналар барпо этиш ҳаракатидамиз.

Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида бугунги кундаги долзарб масалага айлан-ган озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини таъминлаш нафақат ривожланаётган, бал-ки тараққий этган давлатларни ҳам таш-вишга солмоқда. Мана шундай шароитда маҳалламиз аҳолиси истеъмоли учун талаб этиладиган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўзимизда етишти-риш ва сақлашни йўлга қўйиш, ортиқча қисмини эса шаҳарликлар дастурхонига ҳамда экспортга йўналтириш ҳаётий зару-ратдир. Натижада аҳолининг кишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотларига бўлган эътиёби тўлиқ қондирилиб, экспорт географияси ҳам то-бора кенгаймоқда.

Сора РАЖАБОВА,
Ҳўзорасп туманидаги
«Шовот» МФЙ раиси.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ/ДИИХБ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Аввал хабар берганимиздек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича республика референдуми ўтказилиши муносабати билан шу кунларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) Эътиёжларни баҳолаш миссияси делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди.

Эътиёжларни баҳолаш мис-сиясининг ташрифидан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда референдум-ли даъват ва ушбу сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнларини баҳолашдан иборат.

Учрашувда ДИИХБнинг овоз беришининг янги технология-лари бўйича катта маслаҳат-чиси Владимир Мисев Мар-казий сайлов комиссияси то-монидан бўлажак республика референдумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан ЕХХТ/ДИИХБ Эътиёжларни ба-ҳолаш миссиясининг ўз вақ-тида таклиф қилингани халқаро сайлов стандартла-

ри талабларига тўлиқ мос ке-лишини таъкидлади.

ЕХХТ/ДИИХБ методология-сига кўра Эътиёжларни баҳо-лаш миссияси, одатда, муайян сайлов ёки референдум бош-ланишидан бир неча ой олдин ЕХХТга аъзо давлатдаги сай-ловолди ёки референдумли даъватини, шу жумладан, улар-га тайёргарликни баҳолаш учун юборилади.

Бўлажак республика рефе-рендумини кузатиш бўйича за-рур тадбирларнинг тури, ша-кли, муддати ва қўламини бўйича эътиёжларни баҳолаш миссия-си иш натижасида такдим этилган тавсиялар асосида ЕХХТ/ДИИХБ референдумни

кузатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомиёвжаев рес-публика референдумига тай-ёргарлик кўриш ва уни ўтка-зиш бўйича амалга оширилаёт-ган саноат-ҳаракатлар ҳақида мутахассисларга маълумот бера экан, Конституцияда олиб борилаётган изчил иш-хотлар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекис-тонда барча жаҳонда, жумла-дан, сайлов тизимида ҳам мамлакат тараққиётининг ус-тувор йўналишлари, энг юксак демократик талаблар ва халқ-аро ҳуқуқий меъёрларга жа-воб берадиган демократик ис-лохотлар амалга оширилаёт-гани алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда бўлажак референдумга тайёргарлик кўришдаги ус-тувор вазифалардан яна бири МСКнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалдаги қонун-

чилиққа мувофиқлаштиришни иборат. Комиссиянинг сўнги мажлисларида референдумга тааллуқли бир қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар: Рефе-рендум ўтказувчи округ ва ок-руг комиссиялари тўғрисида, Референдум ўтказувчи участ-ка ва участка комиссиялари тўғрисида, Ўзбекистон Респу-бликаси референдумида ишти-рок этувчи хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар тўғрисидаги ни-зомлар қабул қилинди.

Учрашувда референдум ўтказувчи округ ва участкалар, референдум комиссиялари ишини тўғри ташкил этиш бўлажак референдумнинг сифа-ти ва савиясига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири экани ало-ҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан Ре-ферендум комиссиялари аъзо-ларининг малакасини ошириш-ни ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияга кўра қисқа муддатда миллий қонунчилик ва референдум амалиёти, халқаро стандарт-

Қадрият

АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Аёлни оналик мақоми, яъни авлодлар занжирини боғловчи, насллар бардавомлигини таъминловчи зот сифатида улуғлаймиз, қадрайлимиз. Аммо ҳаётда шундай воқеалар ҳам учрайдики, айрим иш берувчилар аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болали бўлганлиги сабабли ишга қабул қилмайди ёхуд ишдан бўшатади, иш ҳақини камайтиради.

Биламизки, хотин-қизларни, айниқса, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга нисбатан кам-ситиш ҳолатлари ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг тарқалган. Зеро, меҳнат соҳасида бу тоифа хотин-қизларга иш берувчилар ҳисобидан қўллаб-имтиёз ва қўлайликлар яратилган ҳамда қонун билан қафолатланган. Бирок, юқорида айтиб ўтганимиздек, иш берувчилар ўз мажбуриятларини четлаб ўтишга уриниши оқибатида бундай аёлларнинг ҳуқуқлари яширин, баъзан очик ҳолатларда ҳам камситилаётганини кўрамиз.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йиллардаги ислохотлар замирида инсон ҳуқуқи қадрият даражасига олиб чиқилди ва инсон қадри ҳуқуқий кафолати мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, Президентимиз шу йил 20 июнь кунин Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Инсон қадри учун” гоясини Бош қомусимиз мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётда асосий қадриятга айлантириш зарурлигига кенг уруғ берди. Айни чоғда унда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шартлиги айтилди.

Шунингдек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади доирасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаيات ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, муносиб иш топшишга ёки тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама қўмак бериш, турмуш ва меҳнат шaroитини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш масаласи илгари сурилган.

Қолаверса, мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағаллигини камида 2 баравар қисқартиришга бағишланган 85-мақсад доирасида аёлларнинг ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш

Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

КАДАСТРИ ЙЎҚ ХОНАДОНЛАР МАСАЛАСИ УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛ БЎЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, ҳозирги кунда дунёда деярли ҳар тўққиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти. Сайёрамиз аҳолисининг 30 фоиздан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, ўта зарур микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда.

Муносабат

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда етакчи бўлган айрим давлатлар ўз хавфсизлигидан келиб чиқиб, экспортга чекловлар киритмоқда ва бу транспорт-логистикадаги узилишларни пайдо қиляпти. Натижада бозорларда айрим маҳсулотлар нархи кескин ошиб кетмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 18 июль кунин озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мавжуд муаммоларнинг олдини олишга қаратилган аниқ вазифалар белгиланган.

Тахлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши мумкин. Шу боис бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш барча давлатлар учун стратегик мақсадга айланди. Аҳоли даромадининг 40 — 50 фоизи озиқ-овқатга сарфланадиган мамлакатимизда ҳам ушбу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Маҳсулот

етиштиришни кўпайтириб, аввало, бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ортганини экспортга йўналтириш чоралари қўрилмоқда.

Хусусан, йил бошида пахта ва алла майдонларининг 80 минг гектари қисқартирилиб, аҳоли учун ажратилди. Одамларга уруғ, қўчат ҳамда ўғитдан ёрдамлашиш бўйича “Томорка хизмати” йўлга қўйилди. Маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Бу орқали маҳсулот етиштириш қўлайлиги, нархлар тартибга тушмоқда.

Сир эмас, Марказий Осиёда сув хавфсизлиги, энергия, озиқ-овқат ва атроф-муҳит билан узвий боғлиқ бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Бу эса ҳар бир томонидан унумли, мақсадли ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Жорий йилдаги ёнгинарчилик ҳисобига ай-

рим ҳудудларда сув захираси 20 фоизга кўпайган бўлса-да, баъзи жойларда сув таъминотида қийинчиликлар пайдо бўлди.

Йиғилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилар экан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда қудуқ қазиш харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдори 150 миллион сўмгача оширилиши белгиланди. Энг муҳими, қудуқ қазишга гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул бериладиган бўлди.

Айниқса, кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилдики, бу, ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари зиммасига ҳам катта масъуляти юклайди. Энг муҳими, янги қонун қабул қилингунга қадар юзгага келаётган барча муаммонинг олди олинади.

Фикр

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК ВА НОАНИҚЛИКЛАР ИНСОН ФОЙДАСИГА ТАЛҚИН ҚИЛИНАДИ

Инсон — тафаккур, идрок қилиш имкониятига эга бўлган табиат гулгоши. Шу боис жаҳон ҳамжамияти томонидан тар олинган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларида ҳам, мамлакатимиз Конституциясида ҳам инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қоида мустаҳкамланган.

Амалдаги Конституциямизнинг иккинчи бўлими фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Хусусан, 13-модда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Айни чоғда умумихалқ муҳокамасида бўлган Конституциявий қонун лойиҳасида ушбу моддага инсон ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишни ку-чайтириш билан боғлиқ қўшимчалар киритилаётир.

Шу йилнинг 20 июнь кунин Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Инсон қадри учун” гояси Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдирилиши бўйича тақлиф илгари сурилгани ҳам беҳиз эмас. Зеро, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларимиз замирида инсон қадрини улуғлашдек эзу гоя муҳимаслигини ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ҳамда муносиб турмуш шaroитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг ижроси юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига

сини топиши муҳим аҳамиятга эга. Конституциявий ислохотлар жараёнида кўп бора Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда жамoатчилик томонидан эътироф этилган тақлиф — инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзга келадиган, бартараф қилиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилик ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши 13-моддага қўшимча сифатида киритилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органининг фаолияти инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, уни юксалтиришга қаратилганлиги билан киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар муҳим аҳамиятга эга. Давлат ўз вазифасини тегишли органлар орқали амалга оширад экан, ижтимоий адолат ва қонунийликка амал қилиши лозим. Зотан, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири — инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устултигидир.

Хулоса ўрнида айтганда, Бош қомусимизга киритилаётган қўшимчалар орқали давлат демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэтирофдаги гоялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлигини яна бир бор намойиш этади. Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилигимиз янада такомиллашади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш борасида қўшимча конституциявий-ҳуқуқий кафолатлар белгиланади.

Музаффар АБДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИССИҚДА «ИСИТМАЛАБ» ЁТГАН ИССИҚХОНА...

Фаргона туманининг Миндонобод даҳасида қаровсизликдан қуриб-қақшаб кетган 2,5 гектар ердаги иссиқхона гўёки жазирамада “иситмалаб” ётган беморга ўхшайди. Фароналик миришкор бободехқонлар таъбирича, ерга меҳр улашсанг, у сенга баракали ҳосил, ризқ-насиба беради. Шу боис ер илми миришкорларининг ҳар бир гйёҳ, ниҳол, она замин билан тиллашиши ҳақидаги самимий фикрларини қулгига йўймаслик керак.

Аччиқ, аммо очик гаплар

2020 йили Фаргона туманининг Миндонобод даҳасида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган 2,5 гектар ерда иссиқхона ташкил этилиб, ҳудуддаги кам таъминланган, ишсиз оилаларга ажратиб бериш кўзда тутилган эди. Эзгу мақсад доирасида иссиқхоналар кам таъминланган, ишсиз, меҳнат миграциясидан қайтганларга 2 сотиҳдан, жами 125 та оилага, 50 фоизи субсидия, қолган тенг ярами “Туронбанк” АТБнинг имтиёзли кредити эвазига тақсимлаб берилиши режалаштирилганди. Аммо яхши ниятда бошланган ишлар якунига етказилмади. Бугун чала қолиб кетган иссиқхонанинг холига маймунлар ййғлайди. Умуман, пандемия шарoитида 125 та оиланинг мушкуллини осон қилиб, тирикчиликка қор келиши керак бўлган иссиқхонанинг ўзи мажолсиз бемор каби ёрдам, мададга муҳтож бўлиб ётганини қандай изоҳлаш мумкин?..

— Лойиҳада тик сўғориш қудуғи ўрнатиш кўзда тутилмагани учун иссиқхонадан ҳалигача фойдаланиш имконияти бўлмааяпти, — дейди Фаргона тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Отабек Абдурахимов. — 2022 йилнинг июнь ойида республика ишчи гуруҳи келиб вазиятни жойида ўрганди. Муаммони бартараф этиш учун Фаргона вилояти ҳокими топириғи асосида вилoят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобига битта тик сўғориш қудуғи ўрнатиб бериладиган бўлди. Ўз навбатида, Фаргона вилoяти ҳокими Хайрулло Бозоровнинг 2022 йил



сўмни Фаргона тумани маҳаллий бюджетига ўтказиб бериш режалаштирилди. Айтганча, вилoят ҳокими фармойишида мутасаддиларга мазкур иссиқхона ер майдонлари кам таъминланган, ишсиз, хориҳдан меҳнат миграциясидан қайтган

фуқароларга берилганини қайтадан ўрганиб чиқиш вазифаси топирилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу икки иссиқхона ҳақиқатда муҳтож оилаларга берилганми? Унда нега шунча вақтдан буюн иссиқхонали бўлган оилалар бу ердан даромад олишга қизиқмаяпти? “Туронбанк” АТБ Фаргона вилoяти филиали мутасаддиларининг маълум қилишича, бу ерда “Устоз — шоғирд томорқа хизмати” МЧЖ томонидан иссиқхона қурилиши ишлари олиб бoрилиб, банк томонидан ажратилиши керак бўлган кредит маблағи тўлиқ молиялаштириб берилган. Аммо сув таъминоти масаласи охиригача ҳал этилмагани сабабли ўтган давр мобайнида иссиқхонага ёпилган плёнкани шамол учуриб кетди, 2,5 гектар ердан

йилдан ошди. Лекин ҳар икки масъул ушбу муаммо бўйича ҳали тўлиқ маълумотга эга эмасликларини таъкидлашди. — Иссиқхона ишга тушмаётганининг асосий сабаби экинларни сўғориш учун сувнинг йўқлиги, — дейди улар биз билан суҳбатда. — Ҳозирча иссиқхона олган фуқаролар бўйича тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

Ҳоким ёрдамчиси кўмағида 2 сотиҳлик иссиқхона олганлардан бирини топиб, суҳбатлашишга муваффақ бўлди. — Иссиқхонадан фойдаланиш борасида умидимиз катта эди, — дея суҳбатини давом эттиради Рустам Алимов. — Аммо озуларимиз саробга айланди. Бугунги кунга қадар бу ердан бир сўм ҳам даромад ололмадик. Чунки қандай экин экишдан қатъи назар, қуриб қолади — сув йўқ, Ўзим ҳудуддаги шифер заводига ишламаган, икки нафар фарзандим бор. Ҳозирча кредитни қайтаришнинг имтиёзли даври бўлгани учун кичикроқ суммани бир амаллаб тўлаяпмиз. Имтиёзли давр тугаган, иссиқхонадан даромад олишнинг имкони бўлмаса, кредитни қайтаришда қийналиб қолишимиз аниқ.

Фаргона вилoяти Бандик бoш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Саиджон Давлатовнинг айтишича, “Ўзбекистон Республикаси Бандикка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бoбида “Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, қўчатлар ва сўғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратиш” тартиби белгиланган.

Ўрганиш натижасига кўра етказиб берувчи ташкилот, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва томорқа ер эгаси ўрта-сида уч томонлама шартнома тузилади. Шундан сўнг Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан уч томонлама шартнома асосида субсидия ажратиш тўғрисида марказ раҳбарининг буйруғи



расмийлаштирилади ва тегишли тўлов амалга оширилади. Фаргона тумани ҳокимининг 2020 йил 25 август кунги қарорига асосан, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан Бандикка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 125 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган ер майдонида енгил типдаги иссиқхона қурилиши учун жами 836 миллион сўмдан ортқ маблағ (бу маблағ туманининг яна бир ҳудуди — Ямбароқда 2,5 гектар майдонда иссиқхона ташкил этиш учун ҳам субсидия сифатида

ажратилган) “Устоз — шоғирд томорқа хизмати” МЧЖга молиялаштириб берилган. Туман ҳокимининг мазкур қарорига кўра, ердан оқилона фойдаланиш, тўпрок унумдорлигини ошириш, керакли шакллардаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (3 йил мобайнида ўртача йиллик ҳисобда) ерларнинг нормативдаги кадастр баҳосидан паст бўлмаган даражада бўлишини таъминлаш вазифаси белгиланган. Қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари зиммасига юкланган...

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мақролани тайёрлаш жараёнида маҳаллий ҳокимлик идоралари, банк, молия, бандик соҳаси мутасадди раҳбарлари билан қайта-қайта боғланган тўғри келди. Муаммо аниқ, лекин ҳеч ким айбни, масъулиятни зиммасига олгиси келмайдди. Очиги, масалага ечим излаётган журналистга олабўжига қарагандек муносабатда бўлингани ҳам рост. Ҳолбуки, журналист ёки таҳририятнинг мақсади кимнингдир юзига қора чалаш орқали ўзини кўрсатиш эмас, муаммонинг асл илдизи-га бoриб етиш, пировардида, эзгу мақсадни тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилганини тушунишни истамайдиганлар ҳам борлиги ачинарлидир.

Хуллас, мақролани тайёрлаш учун бир ҳафтадан зиёд вақт кетди. Шунда ҳам кўп саволлар очик қолди. Ақс ҳолда у янада кенгайтирилган, зарур маълумотлар билан таҳлилий асосда ёзилиши мумкин эди.

Аммо муҳими бу эмас, муҳими — муаммонинг тезроқ бартараф этилиши.

Унга қадар бу уйлارга уч қарра оширилган солиқ қўллаш тартиби тўхта-тиб турилади.

Чунончи, кадастр ҳужжатлари йўқ 2 миллион 600 мингга хонадонни анча вақтдан буюн ушбу масала қийнаб келаётган эди. Уй эгалари ҳужжати йўқлиги боис томорқаси учун на кредит, субсидия оларди, на уйини кенгайтиришга ипотекадан фойдаланишга имкон топарди. Камига кадастри бўлмагани учун 3 қарра миқдорда ер солиғи тўларди. Янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида мавжуд муаммоларга бутунлай барҳам бoрилади.

Умуман, ййғилишда белгиланган қарарларнинг барчаси муҳим ва аҳамиятли. Уларнинг ижро этилиши аҳолини арзон ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, экспорт ҳажминини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зoфoр АБДИРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Меҳр — меҳрга доя

Фурқат туманининг Ободон қишлоғида яшовчи Ҳуррият Қомилова Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйидан 5 нафар ўғил-қизини ўз тарбиясига олиб, “Меҳрибон қалб” номли оилавий болалар уйи фаолиятини йўлга қўйди. Орадан кўп ўтмай, унинг синглиси Назокат ҳам 6 нафар қизалоқни ўз бағрига олди. Айни пайтда улар сони 16 нафарга етди.

Орамиздаги одамлар

Меҳр — оддий тушунча. Аммо у кимда бору кимда қаҳат. Хусусан, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болақонлар ҳолидан хабар олиш асносида, уларнинг ниғоҳларида қотиб қолган мунғни кўрсангиз, қалбингиз ларзага келади. Тақдир тақозоси билан уларнинг пешонасига чин етимлик муҳри босилган бўлса бир нави. Аммо ота-оналари атайлаб ташлаб кетишган бўлса-чи? Бундай тошбағирликлар юрак-ни эзмайдими?

Давлатимиз раҳбари томонидан Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билимли ва маънавиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги янги тизим бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўлч озмақда.

Яқинда Ҳуррият опанинг хонадонига бoриб, оилавий муҳитда улғаяётган болалар ҳолидан хабар олдик. Дастлаб опанинг ўзига юзланиб, қарамоғидаги фарзандларининг соғлиғи, кайфияти, янги уй — янги шaroитга нечоқли мослаша олганликлари билан қизиқдик.

— Меҳрибонлик уйида ўн йилдан кўпроқ ишладим, — дейди Ҳуррият Қомилова. — У ердаги тарбияланувчиларнинг ўзига хос феъл-атвори, табиатидан хабардорман. Шунинг учун бўлса керак, улар билан тил топишиш қийин бўлмади. Шаҳноза шаддод, Фотима жуда қизиқувчан, тинмай саволга тутайди одамни,

Заҳроҳон эса камгап, кенжаойим Шерзодбек эса опаларининг овуначоғи. Ҳар бир боланинг ўз олами, ўз дарди, озурағи бор. Уларга имкон қадар сирдош бўлишга, юраклариди келтиқликни тўлдир-ишга ҳаракат қиламан. Хуллас, уларга муносиб она бўла олсам, дунёда мендан бахтёр инсон йўқ.

17 ёшли Шаҳнозанинг ўзларидан мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган янги тизимнинг нақадар аҳамиятли эканини яна бир бор англаймиз. — Аллоҳдан бир кун бўлса ҳам онам бағрида эрқаланишни сўраб, дуо қилардим, — дейди Шаҳноза. — Меҳрибонлик уйидаги ҳамшира опамиз бир кун келиб онамга айланиши ҳаёлимга ҳам келмаганди. У кишининг фарзандликка бола оломқочи эканлигини билган куним ўзим олдига кириб, мени олинг, деганман. Дe-ярли ярим соат бир-биримизни қучиб ййғлаганимиз ўшанда. Шукр-ки, Яратгандан нимани сўраган бўлсам, ортиғи билан бeряпти.

— Мабодо, ўз онангиз келиб, сизни ўзи билан олиб кетмоқчилигини айтса, нима қилган бўлардингиз? — сўраймиз минг бир истиҳола билан.

— Мен ўз онажоним бағридаман-ку! — дейди қатъият билан Шаҳноза. — Аммо мени туққан аёлдан ҳам хафа эмасман. У бeроллаган меҳрин Ҳуррият онамдан топдим. Менга шунинг ўзи кифоя.

Раҳмонали ҚОСИМОВ, Фoғoна вилoяти

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

XX АСР БЕРУНИЙСИ

“Тўғма иқтидор” маъносини англатувчи “Фитрат” Абдурауф Абдурахимбой ўлининг адабий тахаллусидир. Бу ном ўз даврида зиёлилар даврасида ниҳоятда ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинган. Унинг ақлу заковатини Кавказ ва Волгабўйидаги ҳамкасбларигина эмас, Москва, Ленинграддаги шарқшунослар ҳам юксак қадрлаган. Афғонистон, Туркия, Эрон илмий-

адабий доираларида ҳам унинг мавқе-мартабаси баланд бўлган. “Ички душманлар”ни фош қилиш вазвасаси авж олиб, халқнинг асл фарзандлари қатагон қилинаётган бир пайтда илм-маърифатнинг қадрига етувчи чет эллик ишбилармон ҳомийлар даъватномалар ёзиб, уни ишга таклиф этганларида рад қилган. Бу инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам Ватани, халқи билан бўлишни лозим билган...

Ўзбекнинг улуғлари. Жадидлар

Фитрат аввал Бухородаги эски мактабда, сўнг олий таълим олиш учун Мир Араб мадрасасида ўқийди. 1909—1913 йилларда Истанбулда таҳсил олади. Бухорога қайтган, жадид мактаблари очади, муаллимлик қилади. 1917 йилдан “Ёш бухороликлар” фирқасининг мафкурачиси ва ғоявий раҳбарларидан бирига айланади. Бироқ Бухоро амири Олимхон таъйини ўлароқ ўша йилнинг апрель ойи ўрталарида жадидлар Бухородан чиқиб кетишига мажбур бўлади.

Фитрат дастлаб Самарқандда, кейин Тошкентда яшайди. “Чигатой гурунги”да фаол иштирок этади. 1919—1921 йилларда фаолият қўрсатган ушбу маданий-маърифий ва илмий-адабий тузилма туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тили ҳамда имлоси каби соҳаларни жиддий тадқиқ этади.

“Чигатой гурунги” томонидан 1919 йилда араб алифбосини ислоҳ қилган ҳолда янги алифбо яратилади. 1921 йил январда Тошкентда бевосита мазкур ташкилот раҳбарлигида Тил ва имло қурултоғи бўлиб ўтади.

“Чигатой гурунги” миллий тарихни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ишни аҳоли қўлида сақланаётган нодир манбаларни йиғишдан бошлаган. 1919 йилги Туркистон АССР ва Туркистон ўлкаси Мусулмон бюроси “Миллий маданий меросни тўплаш ва ўрганиш ҳақида” қарор қабул қилади ҳамда бу ишни амалга ошириш учун Абдурауф Фитрат, Назир Тўракулов ва Лазиз Азиззодадан иборат ҳайъат тузилади. Гурунг аъзолари Фаргона водийси, Бухоро ҳамда Самарқандга илмий сафарлар уюштириб, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки аҷам” асари қўлёзмаси, Амир Темурдан бошлаб, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг набираси Акбаршоҳга қадар ўтган темирлар

суратларини топиб, Тошкентга олиб келади.

Фитрат Бухоро Республикасида маориф нозир бўлиб ишлаган даврида унинг талаби асосида чоп этилган Саййид Муҳаммад Носирнинг “Тадқиқоти арки Бухоро”, Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” ва Пўлат Солиевнинг “Урта Осиё тарихи”, каби асарлари “Чигатой гурунги” дастури асосида режалаштирилган эди.

Миллий ўзлиқни англаш йўлида тузилган мазкур гурунг фаолияти 1921 йил 10 январда Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан тўхтатилган. Кейинчалик Фитрат ва унинг шогирдлари қамоққа олинган, уларга қўйилган айблардан бири ушбу гурунгда қатнашганлик бўлган.

Фитрат 1923—1926 йилларда Москвага бориб, Шарқшунослик институтида фаолият қўрсатади ва унга профессорлик унвони берилади. 1927—1937 йилларда Самарқанд ҳамда Тошкентда яшаб, илмий фаолият билан шуғулланади. 1931 йилдан то қамоққа олинган 1937 йилгача Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида бўлим бошлиғи ҳамда профессор лавозимида ишлайди.

Ижтимоий ва сиёсий жараёнларда фаол иштироки ҳамда ўқитувчилик қилишдан ташқари, Фитрат самарали илмий-бадий ижод билан шуғулланган, келажақ авлодга бой маънавий мерос қолдирган. Халқни мустақиллаштириш ишлари парчалаб, истиқлол учун курашга даъват этувчи шеърлар ва асарлар ёзган. Хусусан, “Юрт қайғуси” шеъри ҳамда сочмаларида хуррият учун кураш ғоясини баралла қуйлади. Мазкур сочмаларда Туркистонни ҳўрланган Она образида тасвирлаб, бу жабрдийдани зулм асоратидан халос қилиш учун Амир

Темур сингари жаҳонгирлар руҳига муурожаат этади, халқни эрк ва хуррият учун кураш майдонига даъват қилади.

Ижодкор “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи қиссаси” каби асарларида жамиятдаги қолюқлик, илм-фанга бўлган эътиборнинг сустлиги, ислом динига кириб қолган хурофотларни кескин танқид қилади. “Бегижон”, “Қон”, “Абу Муслим”, “Темур сағанаси”, “Уғузон” каби драмаларида тарихга муурожаат этганига қарамай, болшевикларнинг Туркистонда олиб борган ғайримиллий сиёсатига фаол муносабат билдириб, зулм ва зўравонликка асосланган “янги тузум”-ни кескин қоралайди. Мутафаккир болшевиклар тузумига қарши истиқлол учун кураш ғоясини “Чин севиш” ҳамда “Ҳинд иттилочилири” асарларида ёрқин ифода қилган. У Туркистонда совет ҳокимияти йилларида содир бўлаётган фожиали воқеаларни Англиянинг мустақиллашган Ҳиндистонга қўчириб, инглиз мустақиллашчиларига қарши курашгаётган Ҳинд иттилочилири (истиклолчилари) сиймосида, маълум маънода, ўз ватандошлари тимсолани яратди.

Фитрат ўзбек тилининг грамматикасини ўрганиш ишини бошлаб берди. У 1918 йилда Қ. Рамазон ва Ш. Раҳимий билан ҳамкорликда “Она тили” дарслигини, шунингдек, “Ўзбек тили қоидалари” тўғрисида бир таъриба: Сарф”, “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир таъриба: Наҳв” дарслиқларини яратди ва бу дарслиқлар 1930 йилга қадар бир неча марта нашр этилди. Олим тил морфологияси ҳамда синтаксисига бағишланган бу асарлари билан она тилимиз грамматикасини илмий асосда ўрганиш ишига тамал тошини қўйди. Фитратнинг тилшунослик соҳасидаги катта зимматларидан яна бири ўтган асрнинг 20-йилларида қадимий туркий тил, жонли халқ тили ва шевааларга таянган

ҳолда, илмий-маданий муомалага кириб келётган янги тушунча ҳамда ҳодисаларни ифодалаш учун ўзбек тилининг луғати жамғармасига янги сўзлар ва атамалари олиб кирганлигидир.

Олим “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари” таъкирларини тузиб, миллий адабий меросимизнинг энг қадимги замонидан сўнгги даврларга қадар яратилган намуналарини тўплаб, муайян тизимга солган. Абдурауф Фитрат 1069 йили Юсуф Хос Ҳожиб ёзган “Қутадғу билиг” асарининг миллий зиёлилар томонидан топилган 3 та нусхасининг ҳаммасини ўрганиб, китобнинг учинчи нусхаси ҳақида 1925 йилда “Қутадғу билиг” номли мақоласини ёзган. Асарнинг тарихан, тил жиҳатдан жуда муҳим эканлигини айтиб, “...бор нусхалари билан солиштирилган, бунинг камчиликларини тўлдирмоқ, узилган тартибни тўзатмақ, онглашилмай турган сўзларини изох қилиб, оз бир миқдорда босирмоқ” хайли вазифалардан эканлигини таъкидлаган.

Жадид бобомиз ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари ижодини ўрганади. У “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида” асарлари билан адабиёт назарияси фанига асос солган.

Қомусий илм эгаси Фитрат шарқшунослик соҳасида ҳам тадқиқот олиб бориб, 1921 йилда Пўлат Солиев ва Б. Сергеев билан биргаликда амирга тегишли нодир қўлёзмалар, вақф ҳужжатларини йиғиш, уларга тартиб ҳамда тавсиф беришда қатнашди. Б. Сергеев билан биргаликда В. Вяткин архивида сақланаётган қозиларга оид ҳужжатларни ўрганиб, рус тилида “Қазийские документы XVI века” китобини нашр қилдирилган. Тарихчи сифатида Бухоронинг сўнгги амири ҳақида “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври” асарини ёзган.

Фитрат мусиқа соҳаси билимдонли сифатида 1921 йили Бухоро шаҳрида Шарқ мусиқа мактабини очиб, бу соҳа-

га қизиқувчи, истеъдодли ўғил ва қиз болаларга алоҳида синф хоналарида мусиқадан таълим берган. Мактабга мумтоз мусиқа билимдонлари ҳамда В. Успенский сингари мусиқашунос олимларни таклиф этган. Шу вақтдан бошлаб “Шашмақом” қуйларини тўплаш ва нотага ёзиб олиш ишларига раҳбарлик қилган. Фитрат ташаббуси билан В. Успенский томонидан Ота Жалол ҳамда Ота Фиёсиддин қуйлаган Бухоро шашмақомини илк бор нотага солиниб, нашр этилган. Фитрат “Шашмақом”, “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” мақолалари ва “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласи билан XX аср ўзбек мусиқашунослик фанини бошлаб берди.

Билим ва қизиқишларининг хилма-хил ҳамда серқирралиги ўлароқ ўз даврининг Берунийси бўлган шоир, ёзувчи, адиб, муаллим, шарқшунос, тарихчи, мусиқашунос олим, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат совет ҳокимиятини доим хавотирга солиб келган. Шунинг учун ҳам фурсат етилиб, оммавий қатагон сиёсати бошлиқининг илк палласидаёқ миллат ойдинини жисмонан йўқ қилишга киришилган. У 1937 йил 24 апрель куни қамоққа олинган ва салкам бир ярим йилга чўзилган тергов ҳамда қўynoқлардан сўнг аксилинқилобий миллатчилик, жадидчиликнинг асосчиларидан ва раҳбарларидан бири, жосус сифатида айбланади.

СССР Олий суди ҳарбий ҳайъати Фитрат “ишни”ни 1938 йил 4 октябрда кўча сессияда қўриб чиқади ва у шу кунидёқ Тошкент атрофида отиб ташланган. Суд қарори 1938 йил 5 октябрда, яъни қатл юз бергандан кейинги кунни расмийлаштирилгани совет ҳокимиятининг инсон ҳуқуқларини қанча-қанча поймол этганини, қонунчиликка амал қилмагани, шу билан бирга, ўзбекнинг улуғидан ўта қўрққани, ундан тезроқ қутулишга интиланганини исботлайди, албатта.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1991 йил 25 сентябрда миллий озодлик кўчиси Абдурауф Фитратга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди. 1996 йили алломанинг 110 йиллик тўйи юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Бухоро шаҳрида Фитрат боғи ташкил этилиб, у ерда мутафаккир ҳайкали ўрнатилди, алломанинг беш жилдлик “Танланган асарлар”и ва бошқа китоблари нашр қилинди. Айниқса, бугун буюқ аждодимизнинг ижодий фаолияти ҳамда ибратли ҳаёти ҳақида қўплаб тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
ЎзРФА Тарих институти докторанти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Бунёдкорлик

ИЧКИ ЙЎЛЛАР ЯНГИЧА ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Андижонда ички кўчаларни цемент-бетон билан қоплаш таърибаси тобора оммалашмоқда. Бунда қоплама қалинлиги асфальтга нисбатан 3 баробар ортгани ҳолда харажатнинг сезиларли даражада камлиги йўлсозлар учун айна мудида бўлаётир.

Масалан, 2022 — 2026 йиллар давомида Андижон вилоятида 800 километр узунликдаги ички йўللارни шу тарзда таъмирлаш орқали 58 миллиард сўм маблағни иқтисод қилиш мўлжалланмоқда.

Қўрғонтепа туманидаги Ёртибоши маҳалласида ҳам йўлсозликда янгича ёндашувдан фойдаланилгати. Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган ушбу маҳалланинг 4 километр узунликдаги ички йўллари цемент-бетон билан қопланмоқда. Бундан, энг аввало, мана шу маҳал-

лада истиқомат қилувчи аҳоли миннатдор.

— Йўллар қанча раво бўлса ҳудудга шунча фойза бериши рост экан, — дейди Абдуманноб Собиров. — Ушбу маҳаллада яшаётганимизга эллик йилдан ошган бўлса, ўтган даврда маҳалламиз йўлларида бу қадар кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмаган эди. Айниқса, ички кўчалар бетон қопламали йўлга айланти-



рилаётганидан ниҳоятда хурсандимиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, жорий йилда Андижон вилоятида 270 километр ички йўллари цемент-бетон қопламали қилиш режалаштирилган.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



ИБРАТЛИ СИЙМОЛАР

Ҳар қандай замонда ҳам ўз халқининг жонқуярлари, ҳимоячилари бўлган, улар зиддиятли ва кескин вазиятлар юзага келишига қарамай, фидойилиги, ташаббускорлиги билан ўз юртининг юксалишига ҳисса қўшиб келган. Хусусан, ўзбек халқининг ҳам бу жиҳатдан фахрланадиган тарихий сиймолари ниҳоятда кўп.

Китоб жавонингизга

XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи, маданияти ва маърифати саҳнасидаги жараёнларни шиддатли ҳаракатлангирган жадид маърифатпарварлари барчамизга ифтихор бахш этади. Ўзбек адабиёти ва санъатида, ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштирок этган, миллат маърифати, озодлиги, хурлиги йўлида мардонвор курашган бу улуғ алломаларнинг сермашақат ва сермахсул фаолияти тарих саҳифаларидан мангу ўрин эгаллаган, авлодлар учун эса чин маънодаги ибрат мактаби, десак, аниқлимаган бўламиз.

Шу маънода, уларнинг бой ижодий меросини, босиб ўтган шонли ҳаёт йўлини ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда келажақ авлодга етказиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан маърифатпарвар жадид алломаларимизнинг “Жадидлар” туркуми остида 23 минг нусхада китоблар тўплами нашр этилди.

Мазкур тўпладан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Исоқжон тўра Иброт, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ғулом Зафарий каби маърифатпарвар жадидларнинг ҳаёти ва ижоди, асарларининг қисқача таҳлили, эътирофи, ҳикматли сўзлари ўрин олган.

Китобларнинг тайёрланиш жараёнига жадидлар фаолияти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар жалб қилинган.

Жадид маърифатпарварлари ҳақидаги мазкур китоблар мамлакатимиз ёшларига ўзлиқни англаш, олдига аниқ мақсадлар қўйиб яшаш, Ватани севиш, унинг истиқболи учун курашиш каби эзгу тушунчаларни сингдиришига шубҳа йўқ.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МАҲАЛЛА РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ПГС корхонаси энергия тежовчи, экологик тоза, керамик иситиш элементларида сертификатланган электр сауналарини ҳамда ҳаммомлар учун ускуналар, шунингдек, автоматик иситиш ва автоматик сув таъминоти билан душ кабиналарини тақдим этади.

Барча жиҳозлар 12 ойлик иш вақти кафолатига эга бўлиб, 5 йиллик бепул хизмат кўрсатилади.

Маҳсулот сертификатланган.

Тел.: 71-279-38-54, 71-279-25-23, 95-169-78-51



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.18 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

I. Кафедра мудири:

Ижтимоий-гуманитар фанлар — 1 ўрин.

II. Қуйидаги кафедралар учун профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент ўринларига:

Кончилик иши — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Ноёб ва радиактив металллар рудаларини қазив ва қайта ишлаш — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Кончилик электр механикаси — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Ўзбек ва чет тиллар — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин, ассистент 1 ўрин;

Агрономия — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Машинасозлик технологияси — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин, ассистент 1 ўрин;

Электр энергетикаси — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Умумий физика — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Автоматлаштириш ва бошқарув — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин, ассистент 1 ўрин;

Ижтимоий-гуманитар фанлар — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин;

Олий математика ва ахборот технологиялари — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Металлургия — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин;

Кимёвий технология — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Иқтисодиёт ва менежмент — профессор 1 ўрин, доцент 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

- Ректор номига ариза;
- Қадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (сўровнома);
- Маълумотнома (объективка);
- Олий маълумот тўғрисидаги диплом;
- Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавзуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар;
- Илмий-услубий ишлар;
- Малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар;
- Паспорт нусхаси.

Изоҳ: ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳқўчаси, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг ўқув-услубий бўлими.

Мурожаат учун телефон:
79-223-57-33

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси Манбаъшунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси доценти Жаъфар Ҳолмўминовга онаси

Ҳамроий МУСЛИМОНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz